XALQ DEPUTATLARI NUROTA TUMAN KENGASHI

210700, Nurota t., Islom Karimov sh. k 48, tel: (79)523-12-00

2022 - yil 11 - fevral VII-34-15-5-74-K/22 Nurota tumani hokimligi

Тумандаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинларининг чегараларини белгилаш тўғрисида

Нурота тумани “Миришкор” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2021 йил 26 мартдаги, “Қадоқ” ва “Қизилча” маҳалла фуқаролар йиғинларининг 2021 йил 10 майдаги хатлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш давлат экспертизасидан ўтказиш эксперт комиссиясининг 01-14-310-сонли йиғилиш баёни ва 01-14-310-сонли эксперт хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низом”га асосан халқ депутатлари туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ҳокими ўринбосари А.Шокировнинг Нурота тумани “Миришкор”, “Қадоқ”, “Қизилча” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ташкил этилаётган янги маҳалла фуқаролар йиғинларининг чегараларини белгилаш тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Миришкор”, “Қадоқ”, “Қизилча” маҳалла фуқаролар йиғинларининг ва янги ташкил этиладиган маҳалла фуқаролар йиғинларининг:

ер майдони 1-иловага мувофиқ;

аҳоли сони 2-иловага мувофиқ;

чегаралари 3-иловага мувофиқ;

“Миришкор”, “Қадоқ”, “Қизилча” маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўзгартирилган чегара чизмалари 4-иловага мувофиқ;

“Миришкор”, “Қадоқ”, “Қизилча” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ташкил этилаётган “Нуробод”, “Бўстон”, “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғинларининг чегара чизмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокими ўринбосари (Ш.Рустамов) туман Статистика бўлими в.в.б. (Ш.Исмоилов), туман Давлат хизматлари маркази (Ш.Рўзиев), Кадастр агентлиги туман бўлими (Р.Сафаров) ва туман қурилиш бўлими (Ж.Аҳматқулов)га ҳамда бошқа тегишли мутасаддилар билан биргаликда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсин.

5. Туман ҳокими ўринбосари (Ш.Рустамов) туман Ички ишлар бўлими (У.Шукуров), туман Давлат солиқ инспекцияси (С.Қулмонов), туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (Р.Норбобоев)лар билан биргаликда:

мазкур қарор билан янги тузилган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳудудида яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига ўзгартириш киритиш;

янгидан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинларига думалоқ муҳр ва тамға ясаш;

маҳалла фуқаролар йиғинларига СТИР рақами очиш учун рухсатнома бериш;

мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга ошириш чораларини кўрсин.

6. Туман ҳокими ўринбосарлари (Ш.Рустамов, А.Шокиров) қурилиш бўлими (Ж.Аҳматқулов) билан биргаликда:

янгидан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинларига номи ёзилган кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида ўрнатиш;

янгидан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинларини маъмурий бино ва керакли жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Туман ҳокимлиги молия бўлими (С.Ҳайдаров) янги маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил қилинаётганлиги муносабати билан маҳалла фуқаролар йиғинлари раиси ва бошқа штат бирликларининг ажратилишини таъминласин.

8. Туман ҳокими ўринбосари – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (А.Шокиров) ва туман ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Х.Тўйчиев)га янги ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинларида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Қонунининг талаблари асосида маҳалла ҳудудида, кўчаларда вакиллар йиғилишлари ўтказилиб, сайлов йиғилишига вакиллар нормаси асосида вакиллар сайлаш, маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ни сайловини ўтказиш учун камида 3 нафардан муносиб кадрлар захирасини шакллантириб, туман ҳокимига таклиф киритиш вазифаси юклатилсин.

9. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (Л.Мансуров), “Нурнома” газетаси таҳририяти (Л.Бозоров)ларга мазкур қарорни ОАВларида расмий эълон қилиш ҳамда хокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш тавсия этилсин.

10. Ушбу қарор имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (А.Шокиров) ва Халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклансин.

Сессия раиси **Safarov O. M.**

Халқ депутатлари Нурота туман
Кенгашининг
2022 йил 11 февралдаги
VII-34-15-5-74-K/22-сон қарорига
1-илова

“Миришкор”, “Қадоқ”, “Қизилча” маҳалла фуқаролар йиғинларининг бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг ер майдонлари

1.	“Миришкор” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони	"Миришкор" маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони	Янги ташкил этилаётган “Нуробод” маҳалла фуқаролар йиғинининг ер майдони
2.	253 га	92,0 га	161.0 га
3.	“Қадоқ” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони	“Қадоқ” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони	Янги ташкил этилаётган “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинининг ер майдони
4.	16500 га	10000 га	6500 га
5.	“Қизилча” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони	“Қизилча” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони	Янги ташкил этилаётган “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг ер майдони
6.	142847 га	35532 га	107342 га

Халқ депутатлари Нурота туман
Кенгашининг
2022 йил 11 февралдаги
VII-34-15-5-74-K/22-сон қарорига
2-илова

“Миришкор”, “Қадоқ”, “Қизилча” маҳалла фуқаролар йиғинларининг бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳоли сони

1.	“Миришкор” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони (нафар)	“Миришкор” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)	Янги ташкил этилаётган “Нуробод” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)
2.	4605	2276	2329
3.	“Қадоқ” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони (нафар)	“Қадоқ” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)	Янги ташкил этилаётган “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)
4.	5075	2295	2780
5.	“Қизилча” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони (нафар)	“Қизилча” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)	Янги ташкил этилаётган “Тинчлик”маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)
6.	5779	2773	3006

Халқ депутатлари Нурота туман
Кенгашининг
2022 йил 11 февралдаги
VII-34-15-5-74-K/22-сон қарорига
3-илова

“Миришкор”, “Қадоқ”, “Қизилча” маҳалла фуқаролар йиғинларининг бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг чегаралари

1.	“Миришкор” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари	“Миришкор” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари	Янги ташкил этилаётган “Нуробод”маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари
2.	1.С.Ҳамроева 2.Ш.Рашидов 3.А.Навоий 4.С.Раҳимов 5.У.Нурмуродов 6.Ифтихор 7.Ифтихор-1 8.Ҳ.Жўраев 9.О.Қодиров 10.Ойбек 11.У.Юсупов 12.Нурли йўл 13.21 АСР 14.Фаровон 15.Регистон 16.Регистон-1 17.Нурафшон 18.Янги шаҳар 19.Хумо 20.Озод 21.Озод-1 22.Озод-2 23.Озод-3 24.Озод-4 25.Озод-5 26.Маданият 27.Ватанпарвар 28.Оби Ҳаёт	1.С.Ҳамроева 2.Ш.Рашидов 3.А.Навоий 4.С.Раҳимов 5.У.Нурмуродов 6.Ифтихор 7.Ифтихор-1 8.Ҳ.Жўраев 9.О.Қодиров 10.Ойбек 11.У.Юсупов 12.Фаровон	1.Нурли йўл 2.21 АСР 3.Регистон 4.Регистон-1 5.Нурафшон 6.Янги шаҳар 7.Хумо 8.Озод 9.Озод-1 10.Озод-2 11.Озод-3 12.Озод-4 13.Озод-5 14.Маданият 15.Ватанпарвар 16.Оби Ҳаёт
3.	“Қадоқ” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари	“Қадоқ” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари	Янги ташкил этилаётган “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари